

Йўл ҳаракати фиқҳи

05:00 / 04.03.2017 4273

(Исломда йўл ва транспортлардан фойдаланиш меъёрлари)

Бугунги кунда юртимизда турли замонавий мавзуларга доир диний мақола, рисола ва китоблар битилаётган бир пайтда йўл ҳаракатига доир шаръий одоб ва аҳкомларни омма халқимизга етказиш долзарб масалалардан бирига айланиб қолди. Шу боис, ушбу мавзуда сиз азизларга кичикроқ бир рисола тақдим этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Маълумотларни ўрганиб, ўзлаштириш муҳтарам ўқувчиларга осон бўлиши учун уларни ушбу бўлимда туркум шаклида бериб боришни маъқул топдик. Аллоҳ тало Ўзи ёрдам берсин! Омин!

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим

Кириш

Тақдим

Ерни ёйиб, уни инсонларга бўйсундириб: «**Бас, унинг турли жойларида юринглар**», дея марҳамат этган ҳамда Ўзининг охирги дини Ислом орқали бандаларга йўл юришниинг одоб ва аҳкомларни таълим берган Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар бўлсин!

Роббининг таълимотларини қабул қилиб, инсонларга таълим берган ва уларни ҳаётга қандай татбиқ этилишини бекаму-кўст кўрсатиб берган севикли Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга дурудуду салавотлар бўлсин!

Ер юзида инсоният учун қуруқликдаю денгизда юриш имкониятининг мавжудлиги, ҳақиқатан ҳам, улкан неъматдир. Бу ҳам бўлса, Аллоҳ таолонинг инсоният ҳаёти учун Ерни мослаб қўйганининг бир кўриниши ҳисобланади. Инсоният ер юзига илк бор қадам қўйган кундан бошлаб йўл юришга киришган ва йўл юришни қулайлаштириш учун турли воситалардан фойдаланиб, хилмахил янгиликлар ихтиро қилиб келган ва бу жараён бугунги кунгача муваффақият билан ўсишда давом этиб келмоқда. Хусусан, XXXXI аср инсоният тарихида транспорт воситаларининг энг олтин даври бўлганида шубҳа йўқ.

Инсонлар қадимдан йўл юришда маълум қоида ва меъёрларга риоя қилишга интилиб келган. Бугунга келиб кўпгина жамиятларда бу жараён ҳам юксак даражада такомиллашди ва маълум тартибга келтирилди.

Одатда, кўпчилик халқлар умумманфаат фойдалар ва инсоний фазилатларга интилиш натижасида йўл юришга доир турли меъёр ва қоидалар жорий қилишган. Мусулмонларда эса бу мавзу Ислоннинг бош манбалари Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлар асосида керагича муолажа қилинган.

Ислон Аллоҳ таолонинг сўнги ва энг мукамал дини. У инсон ҳаётининг барча жабҳаларини қамрай олади. Унинг таълимотлари шунчалар ҳаётийки, мана ўн тўрт асрдан буён инсониятнинг ақлини лол, қалбини ром қилиб келмоқда. Жумладан, йўл ҳаракатига доир ислоний одобларнинг қиймати кундан кунга ортиб бормоқда.

Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда бу борада талайгина маълумотлар бор. Уламоларимиз уларни ўзларининг турли мавзулардаги китобларида, хусусан, ислоний одоб-ахлоққа доир асарларида алоҳида ажратиб баён қилганлар. Баъзи олимларимиз ўша оят ва ҳадислардан фойдаланиб, бу борада махсус рисоалар ҳам битганлар. Уларнинг сони кундан кунга янада кўпайиб бормоқда.

Бугунги кунда юртимизда турли замонавий мавзуларга доир диний мақола, рисола ва китоблар битилаётган бир пайтда йўл ҳаракатига доир шаръий одоб ва аҳкомларни омма халқимизга етказиш долзарб масалалардан бирига айланиб қолди. Шу боис, ушбу мавзуда сиз азизларга кичикроқ бир рисола тақдим этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Ушбу илмий ишда, уламоларимизнинг мазкур асарларига асосланган ҳолда, Ислон динидаги йўл ҳаракатига оид аҳком ва одобларни тартибли равишда, ҳужжат-далиллар асосида ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Унда мавзуга доир ҳукм ва одоблар муолажа қилингани эътиборидан, унга «Йўл ҳаракати фикҳи» деб ном қўйиш маъқул топилди. Чунки «фикҳ» сўзи бир нарсани чуқур ўрганиш, атрофлича тушуниш, ундан кўзланган мақсадни англаш маъноларини англатади. Шунинг учун намоз ва бошқа ибодатларнинг фарз, вожиб каби асосий ҳукмлари ҳам, уларнинг одоблари ҳам фикҳ илмида ўрганилади. Бинобарин, «йўл-ҳаркати ва транспорт воситалари фикҳи» деганда йўл ҳаракатига доир аҳком ва одобларни чуқур тадқиқ этиш, атрофлича тушуниш, ундан кўзланган мақсадни англаш даражасида ўрганиш назарда тутилади.

Кимдир «Бугунги 20 аср ҳодисаси бўлиб турган транспорт воситаларига бундан 14 аср олдин келган Ислоннинг нима алоқаси бор?», дейиши ҳам мумкин. Аммо, Ислоннинг Аллоҳ таолонинг охириги ва мукамал бўлган, Қиёматгача боқий қоладиган дини экани ва у ўзининг оламшумул таълимотлари билан инсоният ҳаётининг барча жабҳаларини бекамукўст қамраб олгани эътиборга олинса, бу борада Ислон динининг ўрни

қанчалар буюк экани аён бўлади. Бу ҳақиқатни ушбу илмий рисоладан ҳам англаш мумкин.

Рисола ҳозиргача ҳали кузатилмаган услуб ва тартибда тузилган. Агар яхшилик бўлса, Аллоҳдан, камчилик бўлса, муаллифдан деб ҳисобланишини умид қиламан.

Мавзунинг долзарблиги. Икки-уч йил муқаддам қисқа муддатли бир видео лавҳани кўриб қолдим. Унда Ғарб мамлакатларидаги ҳайдовчиларнинг тартиб-интизоми билан аксар аҳолиси мусулмон бўлган МДҲ давлатларидан биридаги йўл ҳаркати ҳолати таққосланган ва мусулмонлардаги мавжуд ҳолат танқид ва истеҳзо остига олинган эди. Уни кўрган заҳотим қалбимда қандайдир ўксиклик ва ачиниш ҳиссини сездим. Аммо бор ҳақиқатни тан олишдан бошқа илож йўқ эди. Юртимизда ана ўшандай танқидларга «сазовор» тартибсизликларни ҳар қадамда учратиш эса, ўзини ушбу юртнинг вакили деб билган ҳар бир кишини ташвишга солиши табиий эди. Аммо бир томондан «Бу тартибсизликлар Ислоннинг айби эмас, балки Ислонга амал қилмаётган мусулмонларнинг айби. Аслида, Ислон йўл ҳаракати одобларини биринчи бўлиб батафсил баён қилиб берганлигида шубҳа йўқ. Буларнинг барчаси ўша маълумотларни билмасликдан, уларга кўра амал қилмасликдан», деган фикр бироз кўнглимга таскин берар эди. Айти вақтда, ўша таълимотларни ўрганиб, тўплаб, кишиларга тақдим қилиш зарурати доимо хаёлнинг бир чеккасини банд қилиб турарди. Баъзан, «ўнг қўл ҳаракати», «пиёдаларга йўл бериш», «масофа сақлаш» каби айрим йўл ҳаракати қоидалари айнан динимиз асосларига тўла мос келишини мушоҳада қилиб юрилар эди.

2010 йил Ноябрь ойида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2011-2020 йилларни «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид ҳаракатларни таъминлаш ўн йиллиги» деб эълон қилиниши ушбу мавзуга доир муаммоларнинг бутун дунё бўйлаб кенг қулоч очгани ва уларни ҳал қилишда кенг кўламда ишлар олиб бориш долзарблигидан дарак берарди.

2011 йилнинг биринчи чорагида, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди ҳамда жорий йилнинг 27 апрел кунидан расман кучга кирди. Бу ҳам ўз навбатида, Юртимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кескин чоралар кўриш йўлида қўйилган қадам бўлди. Аммо буларнинг барчаси муаммони ҳал қилишга қаратилган ташқи омил вазифасини ўташи ҳеч кимга сир эмас. Албатта, бундай чора-тадбирларнинг аҳамияти катта. Бироқ бу каби муаммоларни бартараф этишда ички омилнинг – мафкуравий чораларнинг

ҳам муҳим ўрни бор. Масалага Ислом шарияти нуқтаи-назаридан ёндашиш эса, хусусан мўмин-мусулмонлар учун катта аҳамият касб этиши табиийдир.

Маълумки, йўл ҳаракати қоидалари, белгилари ҳамда қоида бузганларга кўриладиган чора-тадбирларнинг ўзи билан кўзланган мақсадга етишиш қийин. Йўл назоратчиларини кўпайтиришнинг ўзи йўл ҳаракатини тартибга солишга кифоя эмас. Балки, бу борада таълимтарбия ва тушунтириш ишлари олиб борилиши, кишиларнинг онгли равишда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишларига эришиш лозим. Бу эса илм-маърифат билангина юзага чиқади. Бу борада диний-ахлоқий таълимот ва тарбия ишларидан унумли фойдаланиш айна муддаодир. Чунки инсон агар йўл ҳаракати одобларига риоя қилиш билан диний бурчини адо этишини, Аллоҳ таолога итоат қилишини, бунинг учун У Зотнинг ҳузурида ажр-мукофотларга эришини англаб етса, ўша қоидаларга чин дилдан, ҳеч бир тангликсиз амал қилиб юриши мумкин. Зотан, дунявий чора-тадбирлар қоидани бузганни жазолаши мумкин, лекин, унга амал қилганларга бирор мукофот тақдим этмайди.

Бугунги кунда транспорт воситаларидан фойдаланиш инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолди. Ҳатто, биз уларсиз ҳаётимизни тасаввур қилишимиз ҳам қийин. Шу боис, мусулмонларга транспорт воситаларидан фойдаланишга доир шаръий ҳукм ва одобларни билиш ва уларга оғишмай амал қилиш лозим бўлади. Жумладан, мазкур воситалардан фойдаланиш жоиз бўлиши учун шарт бўлган омилларни билиш, уларда қандай намоз ўқиш, тақдир тақозосига кўра бирор кўнгилсиз ҳодиса юз берса, нима қилиш кераклигини ўрганиш динимиз талабларидандир.

Тарихда биринчи бўлиб Ислом дини йўл ҳаракати қоидалари ва одобларини ўзининг бош манбаларида баён қилди. Қуръони карим оятларида ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида нақлиёт воситаларига муносабат ўзига хос услубда батафсил муолажа қилинган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг биргина **«Мен олийжаноб ахлоқларни батамом этиш учун юборилдим»**, деган сўзларининг ўзи бу борада керакли хулоса чиқариш учун етарлидир. Мусулмонлар ўз динларига оғишмай амал қилиб юрган даврларда бу борада ҳам гўзал намуналарни кўрсатганлар. Бу маънодаги маълумаотлар китобларимизда тўлиб-тошиб ётибди. Аммо шундай бой маънавий меросимиз бўла туриб, бошқалар уларга амал қилиб, бахтиёр ҳаёт кечириб турган бир пайтда сиз билан биз мусулмонлар уларга риоя қилмай турли машаққатларга дучор бўлиб туришимиз, албатта, ачинарли ҳол.

Юртимиз аҳолисининг асосий қисмини мусулмонлар ташкил қилишини

эътиборга олсак, ушбу мавзудаги шаръий қоидаларни халққа етказиш асосан диний соҳа мутахассислари олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Қолаверса, муқаддас динимизнинг бу борадаги таълимотлари ҳам барча инсонлар учун раҳмат ва манфаат бўлиши турган гап. Ушбу илмий иш ана ўша масъулиятни бажариш йўлида ташланган илк қадам бўлса, ажаб эмас.

Бугунги кунда Юртимизда турли хил транспорт воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Бу транспортлар дунё бозорида ўз ўрнини топганига анча бўлди. Дунёга ана шундай транспорт воситаларини тақдим этаётган мусулмон мамлакатдан транспорт воситаларидан фойдаланишга оид мусулмонча одоб ва қоидалар ҳам тақдим этилиши айни муддаодир.

Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси. «Исломда йўл ва транспорт воситаларидан фойдаланиш меъёрлари» мавзусини ҳозирда биз муолажа қилмоқчи бўлиб тургандек яхлит шаклда, артофлича ўрганган бирор илмий иш ёки махсус адабиёт деярли учрамади. Фақат унинг маълум бир тарафини ёритган, қайсидир жиҳатига бағишланган турли ҳажмдаги рисола, мақола ва ёзма маърузалар мавжуд экани аниқланди. Мисол учун, инглиз тилида ёзилган «International Encyclopaedia of Islam» («Ислом ҳақида халқаро энсклопедия») китобида бу ҳақда қисқача тўхтаб, Исломнинг йўлҳаракатига муносабати ёритиб ўтилган. «Ислам.ру» интернет ахборот сайтида эса ҳайдовчиликка доир исломий одоб ва аҳкомлар хусусида рус тилида бир қанча мақолалар берилган. Аммо бу борадаги энг кўп ва яроқли маълумотлар араб тилидаги диний адабиётлардан топилди.

Тафсир ва ҳадис китобларида ҳамда бошқа диний адабиётларда йўлнинг ҳақлари ва одоблари, шунингдек, фикҳий китобларда транспорт воситаларида намоз ўқишга ва йўл ҳаракат ҳодисаларига доир аҳкомлар батафсил баён қилинган. Аммо уларни бир жойга жамлаб, тартибга келтирган адабиётлар жуда ҳам кам. Уларда ҳам мавзунинг айрим жиҳатлари ёритилмаган. Шундай бўлсада, бу борада талайгина илмий ишлар амалга оширилганини кўраемиз. Мисол учун, «Фикҳул-мурури ва адабуҳу фил-Ислам» («Йўл ҳаркати фикҳи ва унинг Исломдаги одоблари»), «Адаб ас-сайри вал-мурур» («Йўл ҳаракати ва йўл юриш одоблари») ушбу мавзуга доир кўзга кўринган китоблардан ҳисобланади.

Ўзбек тилидаги тафсир ва ҳадисларда келган айрим маълумотларни ҳисобга олмаса, ўзбекча адабиётларда бу мавзуда деярли маълумот учрамайди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ушбу илмий ишда бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган йўл юриш ва транспорт воситаларидан фойдаланишга оид шаръий аҳком ва одобларни тартибли равишда бир жойга жамлаш ва уларни замонавий руҳда тақдим этиш назарда тутилган. Унда мусулмон одам одатда уйдан чиқиб, то қайтиб манзилига қайтиб келиши мобайнида дуч келадиган асосий ҳолатлар исломий меъёрлар асосида муолажа қилиш мақсад қилинган. Фақат, шаръий сафарга доир ҳукмлар ўзи алоҳида бир мавзу бўлгани учун, бу ерда у ҳақда тўхталинмади.

Инсон ҳаётининг катта қисмини ташкил қилган йўл юриш ва транспорт воситаларидан фойдаланиш ҳатти-ҳаракатига Аллоҳ таолонинг дини Ислом нуқтаи назари билан ёндашиш орқали ушбу оддий инсоний фаолиятни мусулмон шахс учун ибодат даражасига, охираат амалига айлантириш ушбу илмий ишнинг асосий хусусиятини белгилайди.

Тадқиқотнинг янгиликлари. Ушбу тадқиқотда қадимдан исломий манба ва адабиётларда турли хил кўринишда баён қилиниб келинаётган йўл ҳаркати ва нақлиёт воситаларидан фойдаланишга доир таълимотлар янгича услубда тартибга келтирилган ва, замонавий имкониятлардан келиб чиқиб, мазкур маълумотларнинг кўпчилигини бир жойга жамланган. Шунингдек, ушбу мавзуга доир бугунги кундаги замонавий фатволар ва шаръий муносабатларнинг хулосаларини ҳам маълум тартибга солиб, тақдим этилган.

Ушбу тадқиқот ўзининг мазмунмоҳиятига кўра, ўзбек ўқувчилари учун тамоман янгиликдир.

Илмий иш лойиҳаси. Илмий иш уч қимдан иборат: кириш, асосий қисм, хулоса.

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, мақсад ва янгиликлари, шунингдек, мавзуни ўрганишда таянч вазифасини ўтовчи шаръий асос ва тушунчалар ҳақида маълумот берилди.

Асосий қисм уч бобга бўлинди. Биринчи бобда йўл-ҳаркатга доир оят-ҳадислар, одоб ва аҳкомлар, шарт ва ҳақ-ҳуқуқлар ҳақида сўз юритилди. Иккинчи бобда транспорт воситалари тарихи, улардан фойдаланишга доир оят-ҳадислар, шарт ва ҳуқуқлар, одоб ва аҳкомлар баён қилинди. Учинчи қисмда йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида шаръий тушунча ва ҳукмлар айтиб ўтилди.

Илмий ишнинг асосий мақсади ўрганилаётган мавзуга доир исломий таълимотларни ёритиш ва жамлаш бўлгани боис, ҳар бир тақдим этилган фикр ва тавсиялар учун имкон қадар оят ва ҳадислардан ҳамда фикҳий

асарлардан далил келтиришга ҳаракат қилинди.

Мавзуга доир таянч қоида ва тушунчалар. Йўл ҳаракатига доир исломий аҳком ва одобларни ўрганар эканмиз, уларни яхши англашимиз учун энг аввал ушбу мавзуга доир айрим асос ва тушунчалар билан танишиб олишимиз лозим.

Ислом аҳкомларини чуқур ўрганган уламолар уларни жорий қилишдан беш нарсанинг муҳофазаси назарда тутилганини аниқлаганлар:

1. Жон муҳофазаси;

Исломда ноҳақдан қон тўкиш, бировга ҳақсизлик билан жисмоний ёки руҳий зарар етказишнинг ҳар қандай кўринишлари қатъий ҳаром қилинган ва ушбу жиноятга қўл урган кишиларга нисбатан қасос ва бошқа керакли чоралар кўриш жорий қилинган. Шунингдек, шахс ўзининг жисми ёки руҳига зулм қилиши, зарар етказиши ҳам мумкин эмас.

1. Ақл муҳофазаси;

Шу боис, Исломда ақлга зарар етказадиган, унинг фаолиятини чеклайдиган таом, ичимлик ва бошқалар ҳаром қилинган.

1. Дин муҳофазаси;

Ислом дини инсоннинг Аллоҳдан бошқага ибодат қилишдан қайтаради. Шу билан бирга, бошқа дин вакилларининг эътиқодига дахл қилмайди, Исломга мажбурламайди.

1. Насл муҳофазаси;

Исломда оила қуриш учун маълум шартлар асосидаги шаръий никоҳни фарз қилиниши, зинони ҳаром қилиниш, идда ва бошқа шу каби ҳукмлар айнан мана шу мақсадга хизмат қилади.

1. Мол муҳофазаси.

Шу боис, Исломда пора, рибо, ўғирлик ва бошқа шу каби ноҳақ пул топишнинг барча турлари, молни тасарруфга лаёқати йўқ кишига бериш, бировнинг молига тажовуз қилиш, ҳатто шахс ўзининг молига қасддан талофат етказиши, уни исроф қилиши қатъий ҳаром қилинган.

Уламолар Қуръон ва Суннатни чуқур тадқиқ қилиб ўрганиш натижасида бир қанча қоидаларни хулоса қилиб чиқарганлар ва бу қоидалар Ислом шариъатининг асосини ташкил қилган. Ислом аҳкомлари ана ўша қоидалар

асосида жорий этилади. Баъзи фуқаҳолар уларни ўн еттитага етказган. Биз ҳозир улардан мавзуимизга доирларини эслаб ўтиш билан кифояланамиз:

- 1. Ниманинг яхшилиги ғолиб бўлса, жоиз, ниманинг ёмонлиги ғолиб бўлса, у ножоиз.**
- 2. Зарарни даф қилиш фойдани жалб қилишдан муқаддам қўйилади.**
- 3. Жамиятнинг манфаати якка шахсларнинг манфаатидан муқаддам туради.**
- 4. Зарарни бартараф этиш ва фойдани жалб қилиш, машаққатни кетказиб, енгилликни жалб қилиш, торликни кетказиб, кенгликни жорий қилиш лозим.**
- 5. Зарар бартараф этилади.**
- 6. Иккита зарардан бирини танлаш лозим бўлиб қолса, зиёни камроғи танланади.**
- 7. Зарар бериш ҳам йўқ, зарар кўриш ҳам, зарарни зарар билан қайтариш ҳам йўқ.**
- 8. Оммадан зарарни кетказиш учун хос шахснинг зарарини кўтарилади.**
- 9. Ҳалол билан ҳаром бирга келганида, ҳаром ғолиб келади.**
- 10. Ҳукм ҳикмат сабабидан эмас, иллат – сабаб билан собит бўлади.**

Мавзуни яхшироқ тушунишмиз учун ушбу тадқиқотда кўп учрайдиган таянч сўз ва атамаларни илмий асосда англаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу боис, ҳалолҳаром, одобаҳком, йўл ҳаракати, фикҳ каби сўзлар билан қисқача танишиб ўтамиз.

«Фарз» – шариат жазм ила, шубҳасиз ва қатъий далил билан талаб қилган амал. Фарз амални қилмаган одам осий бўлиб, иқобга қолади. Уни инкор қилиш куфрдир.

«Вожиб» – шариат жазм ила, аммо қатъий бўлмаган далил билан талаб қилган амал. Вожиб амални бажариш лозим ва лобуддир. Уни қилган одам савоб олади. Лекин вожибнинг мартабаси фарзникидан пастроқ ва савоби озроқ бўлади. Вожиб амални қилмаган одам осий бўлиб, иқобга қолади. Лекин унинг иқоби фарздагидан озроқ бўлади. Уни инкор қилган киши кофир бўлмайди.

«Суннат» – шариат жазм этмаган ҳолда талаб қилган, уни қилган одам савоб олиб, қилмаган мазаммат қилинмайдиган амал. Суннат амални қилган одам савоб олади, тарк қилган иқоб қилинмайди. Ундай киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маломатларига ва

итобларига қолиши мумкин.

«Макруҳ» – шариатда ёмон саналган, қораланган амал. Макруҳ икки тур бўлади: таҳримий (ҳаром саналдиган), танзиҳий (озодаликка доир) бўлади. Шариат бирор нарсани қатъий бўлмаган далил ила тарк қилишни жазм ила талаб қилган бўлса, макруҳи таҳримий бўлади. Агар тарк қилишни жазм қилмасдан ва уқубат тайин этмаган ҳолда талаб қилса, макруҳи танзиҳий бўлади.

«**Ҳаром**» – шариат тарк қилишни шубҳасиз қатъий далилга суянган ҳолда жазм ила талаб қилган нарса. Ҳаромдан четда бўлиш фарз, уни қилган одам уқубатга сазовор бўлади. Уни ҳалол санаш куфр ҳисобланади.

«**Ҳалол**» – шариат рухсат берган, ҳаромлик сифати йўқ нарса.

«**Мубоҳ**» – Аллоҳ таоло қилиш ёки тарк қилишга уни қилган ёки тарк этган кишини мазаммат ё мадҳ этмасдан изн берган нарсадир.

«**Шарт**» – бирор нарсанинг вужудга келиши, рўёбга чиқиши унга боғлиқ бўлган ва ўзи ўшандан ташқарида бўлган нарсадир.

«**Одоб**» арабча сўз бўлиб, тарбиялаш, сайқаллаш, зиёфатга чақириш каби маъноларни англатади. Умуман олганда, риоя қилиниши лозим бўлган маслакни «одоб» дейилади.

Абу Муҳаммад ўзларининг «Китабул-ваъий» номли асарларида: «Одоб одамларни мақталган нарсаларга чақиргани учун «одоб» деб номланган», дейдилар.

Бугунги кунда «одоб»нинг ўрнига «маданият» сўзини ишлатиш ҳам урф бўлган. Аммо бу икки сўзнинг келиб чиқиши ва асл маъносига қараладиган бўлса, бундай ўринларда одоб сўзини ишлатиш муносибдир. Чунки маданият аслида «шаҳар» сўзидан олинган бўлиб, «шаҳарлашган», «шаҳарга оид» деган маъноларни англатади. Бу худди «қишлоқимас» деган мазмундан келиб чиққандек. Ебичиш, кийиниш, машина ҳайдаш каби ишлардаги мақталган ҳаттиҳаркатлар эса шаҳарликларга ҳам, қишлоқликларга ҳам баббаробар тегишли ва уларга амал қилишда минтақанинг аҳамияти деярли йўқ. Шу боис, луғат жиҳатидан қараганда ҳам, диний нуқтаи назардан ҳам одоб сўзини ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

«**Аҳком**» сўзи «ҳукм»нинг кўплигидир. Ҳукм луғатда ман қилмоқ, ҳукм чиқармоқ, донолик маъноларини англатади. Шаръий истилоҳда эса Аллоҳ таолонинг мукаллафлар феълларига тааллуқли бўлган хитоби бўлиб, у бирор нарсани қилиш ё қилмасликни талаб этиш ёки ихтиёрий (мубоҳ) қилишни белгилаб беради.

«**Йўл**» деганда одамларнинг транспорт (нақлиёт) воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз қатновлари учун мўлжалланган ва худди шу

мақсадда фойдаланиладиган ер, сув ва ҳаводаги махсус белгиланган бўлак назарда тутилади.

«**Йўл ҳаракати**» – одамлар ўзлари ёки юклари билан транспорт (нақлиёт) воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўлларда ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуидир.

Кейинги бўлимларда сиз қуйидаги мавзулар билан танишасиз:

1. БОБ. Йўл ва йўл ҳаракатига доир ҳукм ва одоблар.

1. 1. Йўл ҳаракати қоидалари тарихига бир назар
1. 2. Ислонда йўл ҳаракати ҳақида; йўл ҳаракати қоидаларига муносабат
1. 3. Йўл юришнинг ҳукми, унинг жоиз бўлиш шартлари
1. 4. Йўлнинг ҳақлари
1. 5. Йўл ҳаракатига доир одоб ва аҳкомлар
1. 6. Пиёда юришга доир одоблар